Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 27 (20.894) 1991 йил 7 февраль, пайшанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ТАСС, «Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар берадилар

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш масаласи юзасидан СССР референдумини тайёрлаш ва ўтказиш муносабати билан партия ташкилотларининг иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Референдумга тайёргарлик кўриш давомида партия ташкилотлари барча ватанпарвар, чинакам демократик ижтимоий сиёсий кучлар билан, ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тарафдори бўлган ҳаракатлар ва ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилишлари лозим.

(КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида қабул қилинган қарор баёни билан рўзноманинг келгуси сонида батафсил таниншасиз).

БУГУНГИ СОНДА:

● «Ғазал мулкининг султони»
Алишер Навоий замондошлари ардоғида. Шоир таваллудининг 550 йиллиги яқинлашаётир.
Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бу маъракага тайёргарлик ишлари муҳокама этилди.
● Миллатлар ўртасида ҳақиқий тенгликни қарор топтириш ва дўстлигимизни янада мустаҳкамлаш учун СССР референдумида яқдил иштирок этайлик!
● Жумҳурият ҳукумати аҳолини нон маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш юзасидан кўраётган тадбирларига амалий жавоб.

1-БЕТ

● Амалий учрашув: унда Тожикистон ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашлари депутатлари қатнашдилар. Тожикистон алюминий заводи жойлашган зонадаги экология ва санитария-гигиена ҳолатини нормаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.
● Иттифоқми ёки конфедерациями? СССР Журналистлар уюшмасининг VII съездида шу масала атрофлича муҳокама этилиптн.

2-БЕТ

● «Иқтисодиётни, давлат тузилишини ислоҳ қилиш, жиноятчиликни жиловлаш, ижтимоий ноқулликка эришиш йўллари ва усуллари тўғрисидаги масалалар кўндаланг бўлиб турибди»
КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма Пленумида КПСС Марказий Комитети Бош котиби ўринбосари В. А. Ивашко маърузасидан.

3-БЕТ

● Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси аъзоси, ЎзССР халқ депутати Б. Йўлдошев Рига сафаридан қайтди.
«Муқаддас бурч» мақоласида депутатнинг ҳамюртларимиз билан учрашуви ҳикоя қилинади.
● Ҳожи Мухтор Абдуллаев: Бухоролик дин аҳли давлатимизнинг ғамхўрликларидан миннатдор. Улар исломга эътиқод ниқоби остида амалдаги тузумга қарши ҳар қандай ҳаракатларнинг пайини қирқишади. («Ниқобнинг йиртилиши» сарлавҳали мақолада).

4-БЕТ

ЯНГИЛИКЛАР

1991— Алишер Навоий йили

МАЪРАКА ТАРАДДУДИ

Буюк ўзбек мутафаккири ва шоири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги арафасида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бу маъракага қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги батафсил муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон вазирликлари ва идораларининг, ижодий уюшмаларининг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари қатнашдилар. Учрашувни республика Президенти И. А. Каримов олиб борди.

Мажлисдан сўнг шу ерда ташкил этилган кўргазма кўздан кечирилди. Кўргазмага шонли сана шарафига турли корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар қўйилган эди. Улар орасида бадиий буюмлар фабрикасида тайёрланган ажойиб сўзаналар. Тошкент чинни заводи ишлаб чиқарган чинни буюмлар туркуми, кўн-атторчилик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг халталари бор эди. Шу ердаги столларга Алишер Навоий номидаги кўчани таъмирлаш ва ободонлаштиришга оид эълон қилинган мусобақага тақдим этилган лойиҳалар ҳам қўйилган. Бу лойиҳаларни олтита ижодий гуруҳ тақдим этган, уларнинг ҳар бири Тошкентнинг асосий кўчаларидан бирини қандай кўраётганлигини лойиҳада акс эттирган. Чизмалар қўйилган стендларда буюк шоир номи билан аталувчи ягона мажмуани яратишга доир бир қанча таклифлар акс этган. Бу ерда яқинлашиб келаётган маъракага муносабати билан чиқарилган китоблар ва плакатлар ҳам бор.

Мажлисда республика маъракага комиссияси аъзоларининг, амалий тадбирлар ўтказишга ҳозирлик кўрилаётган Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятидаги Хонқа ноҳияси вакилларининг ахборотлари тингланди. Шонли санага кўпгина яхши ва керакли ишлар қилинганлиги, айни вақтда маъракага тайёргарлик кўришда кўп ишлар чўзилиб кетганлиги таъкидланди. Жумладан, бу гап Навоий кўчасидаги шеърият боғини таъмирлашга, шоир ҳайкали ўрнатиладиган жойни танлашга, ёдгорлик обидаси устидаги ишларни бошлаб юборишга тааллуқлидир.

Ўзбекистон пойтахтида Навоий боғини бунёд этиш, унинг номи билан аталувчи гуманитар лицей очиш, Тошкентдаги адабиёт музейига давлат музейи мақомини бериш таклиф қилинди. Навоий номли Ўзбекистон ССР Катта театридаги ва Навоий номли давлат кутубхонасидаги аҳвол ҳам муҳокама этилди. Маъракага, дейилди мажлисда, миллий маданиятнинг қайта тикланишига, турли миллат кишиларини жипслаштиришга, маънавий соҳада юксалишга хизмат қилиши лозим. Маъракага тантаналарини сентябрь ойида ўтказиш режалаштирилган. Шонли воқеани муносиб кутиб олиш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА ШАРҚШУНОСЛИК ОЛИЙГОҲИ

● Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунуни қошида Шарқшунослик институти ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Республикамиз олий ўқув юртларининг сафи яна биттага кенгайди.

Республикамизнинг Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси ва араб мамлакатлари билан савдо-сотиқни, фан, маданият ва санъат соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро саёҳатни ривожлантириш заруриятн туғилмоқда.

Халқимизнинг миллий ўзлигини англашининг ўсиши, ижодий фаоллигининг ривожланиши олдимизга Шарқ халқларининг, энг аввало, ўз халқимизнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини араб ёзувида битилган қимматбаҳо ва нодир қўлёзмалар жамланмасини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш ва ўрганиш вазифаларини қўяди.

Ўзбекистон ССРнинг «Давлат тили ҳақидаги Қонуни»ни амалга оширишнинг зарур омилларидан бири ўрта мактабларда шарқ тилларини ўқитишни кенгайтириш ва яхшилашдир.

ТошДУ қошидаги Шарқшунослик олийгоҳида ўқитиладиган ихтисосликлар доираси кенгайиб, шарқ, араб, форс, афғон, ҳинд, урду, хитой тиллари адабиёти билан бир қаторда корейс, япон ва турк тиллари ва адабиёти мутахассислари, тарихчи-шарқшунослар, иқтисодчи-шарқшунослар ва халқаро иқтисодий алоқалар бўйича мутахассислар тайёрланади. Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда япон, хитой, корейс ва турк тиллари бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланган.

Тарихий-маданий меросимизни чуқурроқ ўрганиш ва олий ўқув юртидаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш йўлида ТошДУ қошидаги Шарқшунослик институти билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик ва Қўлёзмалар институтлари ўртасидаги илмий алоқалару ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, кенгайтириш зарурдир. Бу эса институт битирувчиларининг мазкур даргоҳларда самарали изланишлар олиб боришларига кўмаклашади.

Институтда қисқа муддатда — икки йиллик, ўн ойлик, олти ойлик ва малака ошириш курслари бўлиб, шарқ тиллари ва эски ўзбек ёзуви ихлосмандларининг мақсадларига эришишлари ва тарихий-маданий меросимиздан баҳраманд бўлишлари учун хизмат қилади.

Шарқшунослик институтининг юз элликдан ортиқ профессор-ўқитувчиси, шу жумладан, 15 фан доктори ва 60 дан ортиқ фан номзоди халқимиз фарзандларидан юқори малакали мутахассислар етиштириб чиқариш учун бор куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

М. САИДУМАРОВ,
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълими вазири ёрдамчиси.

Ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан эсдалик тангани муомалага чиқариш тўғрисида

СССР Давлат банки ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан 1 сўмлик эсдалик тангани муомалага чиқаради.

1 сўмлик эсдалик танга оқ рангли мис-никель қотишмасидан тайёрланган бўлиб, диаметри 31 миллиметр бўлган доира шаклидадир.

Танганинг ўнг ва тескари томонлари айланаси бўйлаб қабариқ хошия бўлади.

Танганинг ўнг томонига СССР Давлат герби жойлаштирилган, унинг остига «СССР», икки сатрга танганинг қийматини билдирувчи «1 рубль» ва зарб этилган йилнинг билдирувчи «1991» санаси ёзилади.

Танганинг тескари томонига Алишер Навоийнинг қабариқ тасвири туширилади, унинг чап томонида доира бўйлаб «1441—1501» саналари бўлади, пастида икки сатрда «Алишер Навоий» сўзлари ёзилади.

Танганинг айланаси бўйлаб «Одинь рубль» сўзлари икки марта ўйиб ёзилиб, ораси икки нуқта билан ажратиб қўйилади.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан чиқариладиган эсдалик танга 2,5 миллион дона бўлади, шу жумладан 0,35 миллион донасининг сифати яхшиланган.

Эсдалик танга тўловларнинг ҳамма турларига, шунингдек жорий, ҳисоб варақаларига ёзишга, омонатга, аккредитив ва жўнатиш учун ҳеч бир чеклашсиз ўз қиймати бўйича қабул этилиши мажбурийдир.

ХАБАРЛАР

● 17 март—СССР референдуми куни

ИТТИФОҚ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

Мамлакатдаги сиёсий аҳвол Совет Иттифоқини сақлаб қолиш борасида «Ё ҳаёт, ё мамот» чўққисига етгани сир эмас. Умумхалқ овоз бериши — СССР референдуми тушунчаси ҳам ана шу зайилда ҳаётимизга кириб келди.

Маълумки, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонунига кўра СССРда халқ давлат ҳокимиятини ҳам халқ депутатлари орқали, ҳам бевосита, референдум орқали амалга оширади. Ушбу қонунда референдум СССР гражданлари томонидан давлат турмушининг энг муҳим масалалари юзасидан СССР қонунларини ва бошқа қарорларни умумхалқ овоз бериши йўли билан қабул этиш усули деб тушунилади. Ўзига хос бу йўл умумхалқ овозини рўёбга чиқаришда энг мақбул демократик усул эканлигига шубҳа йўқ.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг замини мустаҳкамдир. Бироқ узоқ ўн йилликлар даврида дабдабабозлик, миллатлар ва элатларнинг ўзига хослигини унутиш, қадриятларни топталиш каби номақбул ҳаракатлар бирлигимиз илдизига чанг солиб келди. Бизнинг жумҳуриятда ҳам ҳар тонгни «Ассалом рус халқи, буюк оғамиз!» деб қарши олганимиз эртами-кечми миллатларнинг тенглиги ва қардошлигига, энг муҳими, ҳар бир миллатнинг иззат нафсига тегиши мумкинлигини унутиб қўйдик.

Бутун мамлакатда коммунизм шиорлари баланд овоз билан жаранглаб турганда биз иқтисодий инқироз чуқур илдиз отаётганини ҳам кўриб турдик. Айни пайтда жамиятда маънавий қашшоқлашув суръати ҳам пасаймади: безорилик, ўғрилик, босқинчилик каби жиноят турлари авж олди. Булар ҳамма Иттифоқ деб аталган буюк чинорга соя ташлаган қолоймайди, албатта.

Ҳайриятки, мамлакатда қайта қуриш шабадалари эсиб, халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб бошлади. Мамлакатни маънавий ва иқтисодий оғир ҳолатдан олиб чиқишда Коммунистик партия ташаббускор бўлди. Партиямиз жамиятнинг поклашишида бўлгани каби ўз сафларини тозалашда ҳам намуна бўлмоқда. Ҳаётимизга оила пудратлари, фермерлик каби мулкнинг турли хил шакллари кириб келмоқда. Миллатлар ўртасида ҳақиқий тенглик қарор топмоқда. Она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши маънавий ҳаётимиздаги катта воқеа бўлди. Булар ҳаммаси Иттифоқнинг буюк заминини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мен бир зиёли ва коммунист сифатида СССР референдумида Совет Иттифоқи учун овоз бераман!

Ғуломжон АБДУЛЛАЕВ,
Бағдод ноҳиясидаги 40-ўрта мактаб директори.

Мўътадил суръат

Дон маҳсулотлари комбинати меҳнат жамоаси аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор қондириш йўлида ғайрат билан меҳнат қиляпти. Хом ашёдан омилкорлик, тежамкорлик билан фойдаланиш туфайли ун тайёрлаш ҳажми ортиб, сифати тобора яхшиланяпти.

Ўтган йилдан бошлаб корхона меҳнат аҳли мўътадил суръат билан ишлай бошлади. Тегирмонлар ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш тадбирлари кўрилгани натижасида нон корхоналари унни вақтида олиб, аҳолининг бундай маҳсулотларга эҳтиёжини муттасил қондиришга муваффақ бўлаётирлар.

Корхона ўтган йил режаларини зиёда адо этиб, бу йил январь ойида ҳам бир меъёрда ишлади. Кейинги ойда режага қўшимча юзлаб тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Алижон Раҳимов, Солижон Мирзажонов бошлиқ смена жамоалари Фарғона дон маҳсулотлари комбинатида январь ойида юқори сифатли маҳсулот тайёрлашда намуна бўлдилар. Тегирмон ускуналари қувватидан фойдаланишда Йўлдош Абдураҳмонов, Нўъмон Мадаминов раҳбарлик қилаётган жамоалари эса пешқадамликни қўлдан беришмади. 3-тегирмонда ишловчи азаматлар кейинги бир ойда режага қўшимча 200 тонна ун тайёрлаб бердилар.

— Бизда, — дейди цех бошлиғи Собиржон Қўчқоров, — хом ашёдан тежаб фойдаланиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Бу эса дон-дун, ун маҳсулотларининг тегишли тартибда сақланиши, ишлатилиши, юқори сифатли маҳсулот тайёрланишига ёрдам беряпти.

Жумҳуриятнинг аҳолини нон маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш юзасидан кўраётган тадбирларига жавобан комбинат меҳнат аҳли юксак маром билан ишламоқда.

Т. ҲАМИДОВ,
уруш ва меҳнат ветерани. Фарғона вилояти.

● НОН — РИЗҚУ РЎЗИМИЗ

ШАРҲЛАР

РАҲБАРЛАР ЎҚУВИ

Вилоят ва район деҳқончилик-саноат уюшмалари раҳбарларининг икки ҳафталик қишки ўқуви тугади. Деҳқончилик-саноат комплекси республика Олий бошқарув мактабида ўтказилган машғулотлар бозор муносабатлари, унинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий-руҳий жиҳатларини ўрганишга бағишланди. Тошкент ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги илмгоҳларида, Андижон пахтачилик илмгоҳида ҳам деҳқончилик-саноат комплекси республика Олий бошқарув мактабида ишлаб чиқилган усуллар асосида турли бўғин раҳбарларининг ўқуви ташкил этилди.

Бундай машғулотлар қандай амалий наф келтиради? ЎзТАГ мухбири ана шундай савол билан деҳқончилик-саноат комплекси республика Олий бошқарув мактабининг ректори профессор Р. Т. Турсуновга мурожаат қилди:

— Бозорга ўтиш усуллари гоят мураккаб,— деди Раҳим Турсунович. — Бизнинг вазифамиз иқтисодиётимиз учун янги бўлган асосий қонунларни — хўжалик юритиш усулларини ўзлаштиришда тингловчиларга ёрдам беришдан иборат. Бунинг учун эса хилма-хил масалаларни тушуниб олиш зарур. Бозор шароитида республика деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантириш муаммолари ва унинг нарх белгилаш қонунлари, молия-кредит муносабатлари ҳамда мулкчилик, мулкни хусусийлаштириш, қўшма корхоналар ташкил этишнинг хилма-хил шаклларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари шулар жумласидандир.

Ана шу масалалар моҳиятини аниқ-равшан тушунтириб бериш учун мактабимиз профессор ва ўқитувчилари қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, ишлаб чиқариш-тижорат фаолиятини, ижара-кооператив муносабатларини ташкил этиш, менежмент ва маркетинг соҳасида чет эллик мутахассислар ва мамлакатимиздаги мутахассисларнинг асарларини пухта ўргандилар. Лекциялар ўқиш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, республика олий ўқув юртларининг олимлари таклиф этилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлигининг раҳбарлари М. И. Исломов ва Р. А. Гиниятуллин тингловчиларга республика деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари тўғрисида гапириб бердилар. Жумладан, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, уларни ем-хашак билан таъминлаш тўғрисида республика Президенти Фармонини рўёбга чиқариш борасидаги тажриба, бошқа кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Малакали маслаҳатлар амалиётчи раҳбарларга олинган билимдан амалда фойдаланишларига ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Ўқув программасида лекциялардан ташқари энг яхши хўжаликлар ва қайта ишловчи корхоналар ва бошқа корхоналарнинг иши билан тингловчиларни таништиришга катта эътибор берилган. Шуни айтиш лозимки, ўқув машғулотларини олиб борган кишиларга ҳам ёрдам берди: биз деҳқонларни тўлқинлантираётган муаммоларни яхшироқ билиб олдик ва ўқитиш методикасини шунга мувофиқ такомиллаштирамиз. Машғулотлар қанчалик самарали бўлганлигини вақт кўрсатади. Бироқ ҳозирнинг ўзида тингловчилар бозор муносабатларининг илк қондаларн билан таништдилар ва эндиликда уларни ўрганишни мустақил давом эттиришлари осон бўлади, деб айтиш мумкин. Билимларни мунтазам бойитиб бормай туриб, бозор иқтисодиёти мушкулликларини бартараф этиш қийин бўлади.

Муҳокамага таклиф этамиз

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси 1991 йил 14 февралда чақирилиши, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини шу сессия муҳокамасига қўйиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитети мазкур Қонун лойиҳасининг («Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг шу йил 29 январь сонига қаралсин) муҳокамаси шу йил 13 февралда тугашини маълум қилади.

КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссияси қўшма Пленуминнинг 1991 йил 31 январдаги қарорлари

КПСС Уставини рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик тўғрисида

1990 йил 9 октябрда қабул қилинган «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонуни талабларидан келиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий Назорат Комиссияси қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига КПСС Уставини СССР Адлия вазирлигида рўйхатга олишни илтимос қилиш ваколати берилсин.

2. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонуни (10-модда)да барча жамоат бирлашмаларининг уставларида мажбурий қоидалардан бири сифатида улар фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги банднинг бўлиши кўзда тутилганлиги муносабати билан КПСС Уставига партиянинг навбатдаги съездида ёки конференциясида тегишли қўшимча киритиш зарур, деб топилсин.

Илтимосчилар СССР Адлия вазирлигига шу масала юзасидан ёзма мажбурият тарзидаги ушбу қарорни тақдим этсин.

3. Пленум КПСС Устави давлат рўйхатидан ўтказилишининг муҳим сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. КПСС Уставининг рўйхатга олиниши совет жамиятида ҳуқуқий ўзгартишлар жараёнининг чуқурлашаётганини билдиради, партия ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар ҳамда социалистик йўлга содиқ бошқа ижтимоий табақалар манфаатларини кўзлаб ўз сиёсатини амалга оширишида давлатнинг ҳуқуқий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Пленум социалистик йўлни танлаган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, СССР Конституцияси доирасида ишлаётган сиёсий кучлар билан амалий мулоқот олиб бориш зарурлигига партия ташкилотлари ва коммунистларнинг эътиборини жалб этади.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛИЙ ВА СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма Пленуми таъкидлайдики, юз берган вазиятда партияни мустаҳкамлаш, партия XXVIII съезди қарорлари, КПСС Устави, янги меъёрий-усулий ҳужжатлар асосида барча партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш учун ташкилий-сиёсий тусдаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш лозим. Партия шу тарзда ҳаракат қилиб, ўзига меҳнаткашларнинг ишончини тезроқ мустаҳкамлайди, мамлакатда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш жараёнларида, тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида СССРни сақлаб қолишда унинг роли тағин ҳам самаралироқ бўлади.

1. Коммунистларга КПСС XXVIII съезди, КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма Пленуми партия учун ҳозирги қийин вақтда уларнинг кўплари ўз ишларини бўшаштириб юборганлигини, сиёсий ташкилот хусусиятларини йўқотаётганлигини, КПСС Уставида кўзда тутилган вазифаларни бажармаётганлигини йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблайди.

Бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш бутун партия учун биринчи даражали аҳамиятга молик иш бўлиб қолиши лозим. КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссияси, партия комитетлари аъзолари томонидан бу ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам берилиши, аниқ мақсадга қаратилган партияга қарши ҳаракатлар натижасида барбод бўлиш ёқасига келиб қолган бошланғич партия ташкилотларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Район, шаҳар партия комитетлари зарур ҳолларда айрим партия ташкилотларини қайтадан тузсинлар. Сиёсатан ва партиядан холи қилиш ғоялари кимдан чиққанлигидан қатъи назар, бундай ғояларга қарши қатъият билан курашилсин. Бошланғич партия ташкилотлари одамларни ҳаяжонга солаётган муаммоларни муҳокама қилиб, шу муаммолар юзасидан фаол позицияларини ишлаб чиқишлари, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини амалга оширишда иштирок этишлари, жамоаларда кадрларни жой-жойига қўйиш ва уларнинг масъулиятини оширишга доир ўз таклифларини ҳимоя қилишлари мумкин. Улар совет ва хўжалик идоралари, маъмурият томонидан қабул қилинадиган қарорларга ўз муносабатларини дадил айтишлари, совет қонунларини бузиш ҳолларига принципиаллик билан муносабатда бўлишлари керак. Партия ташкилотларида партиявий ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор тортирилсин, эътиқоди ва ижтимоий фаолияти учун таъқиблар ва ҳужжатлардан коммунистлар ҳимоя қилинсин.

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти ва Марказий Назорат Комиссиясининг раёсати коммунистларни таъқиб этиш фактларига ўз вақтида жавоб қайтарсин, бундай фактлар юзасидан сиёсий ва ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланиб чоралар кўрилсин.

КПСС Марказий Комитети бошланғич ташкилотлар фаолиятини янгилаш комиссиясининг бошланғич партия ташкилотлари котибларининг минтақа кенгашларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин. Бу кенгашлар якунлари юзасидан кўп партиялилик ва иқтисодиётдаги кўп укладлик шароитида партия ташкилотларининг иши тўғрисида умумпартия амалий тавсияномаларини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблансин.

3. Район ва шаҳар партия комитетлари партия ташкилотларини мустаҳкамлашга ҳал қилувчи таъсир ўтказишлари лозим. Улар қайта ташкил этиш даврини тезроқ босиб ўтишлари, жойларда партиявий ишларнинг таянч маркази сифатида ўзларини фаол намоён этишлари керак. Партия ташкилотлари аҳолига яқинлаштирилсин, истиқомат жойларида одамларнинг турмуши ва дам олиши соҳаларида, сайловчилар орасида партиявий-сиёсий ишларни қайта қуриш билан жиддий шуғуллансин. Бошланғич ҳудудий партия ташкилотларининг ички тузилиши такомиллаштирилсин ва таркиби мустаҳкамлансин, бундай ташкилотларда ишлашга ўз ишига кўра, аҳоли билан алоқадор бўлган, аҳолининг эҳтиёж ва талабларини яхши биладиган коммунистлар жалб этилсин. Бу партия ташкилотлари референдумлар ўтказиш чоғида сайлов кампанияларида ва бошқа сиёсий кампанияларда ўзларини фаол кўрсатиши керак.

Партия комитетларининг ишида жамоатчилик асослари кучайтирилсин, штатли жамоатчилик тузилмаларини барпо этиш, жамоатчилик асосида маслаҳатчиларни, лекторларни ва бошқаларни жалб этиш тажрибаси тиклансин. Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг кенгашлари, партия клублари, комунистларнинг қизиқишларига асосланган бирлашмалари фаолияти ривожлантирилсин ва рағбатлантирилсин, партия ички турмушини янгилашга қаратилган барча таклифларга диққат-эътибор билан қаралсин, амалий тусдаги ҳамма нарсадан тажрибада фойдаланилсин. Шу билан бир вақтда арзимаган масалалар юзасидан баҳс бошлашга, партия тарихини қоралашга уринишларга қатъий қарши турилсин.

4. Коммунистлар сиёсий ўқувини яхшилаш учун таъсирчан чоралар кўрилсин, сиёсий ўқув КПСС XXVIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари материалларини, партия сиёсати масалаларини чуқур ўрганишга қаратилсин. Партия ҳужжатлари коммунистларга етиб бормаслигига, оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда ҳеч нарса айтилмаслигига йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблансин.

Ижтимоий-сиёсий марказларни қарор топтириш жараёни, партия илмий ва ўқув юртларини ислоҳ қилиш жадаллаштирилсин, сиёсий ва иқтисодий муаммолар, бозорга ўтиш, халқ депутатлари Советларида ишлаш кўникмалари юзасидан кадрларни ва фаолларни кенг миқёсда ўқитиш ташкил этилсин.

КПСС Марказий Комитети билан партия ташкилотлари ўртасидаги бевосита алоқалар системаси ислоҳ қилинсин, бунда умумий тавсияномалар ва йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш, уларни коммунистларга етказишдаги кечикишни бартараф этиш кўзда тутилсин. Бунинг учун турли каналлардан, КПСС Марказий Комитети матбуот маркази имкониятларидан фойдаланилсин, КПСС Марказий Комитетининг энг ўткир масалалар юзасидан бошланғич партия ташкилотларига, барча коммунистларга мактуб йўллаши тажрибаси тиклансин.

КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссияси, партия комитетлари партияга ҳуруж ва туҳмат қилиш, унинг сиёсатини бузиб кўрсатиш ҳолларининг ҳаммасига дарҳол жавоб қайтариши лозим. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Котибияти партияга қарши, коммунизмга қарши оқимлар билан курашишнинг шакллари ва усулларини кенгайтириш чораларини кўрсин, шу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан фаолроқ фойдалансин. Шу билан бир вақтда партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссияси, Сиёсий бюро ва Марказий Комитет Котибияти, КПСС Марказий Назорат Комиссиясининг раёсати ҳаракатларига ишонч билан қараб, ўртоқларча қўллаб-қувватлашлари лозим.

Пленум КПСС Дастури лойиҳасини тайёрлаш ишларини кучайтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

5. Партиянинг назорат қилувчи идоралари партия интизомини мустаҳкамлаш, қарорларнинг бажарилишини назорат қилишга доир фаолиятини кучайтирсин. Партия аппарати иши савиясини оширишга эътибор қаратилсин, субъективизм, тўрачиликнинг барча кўринишларига, партиянинг оммадан ажралиб қолишига қарши курашилсин. Назорат воситалари ёрдамида партия мулкига авайлаб муносабатда бўлиш қарор топтирилсин, ҳар қандай молиявий бузғунчиликларга чек қўйилсин.

6. КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига коммунистларни КПССнинг янги норматив базаси билан кенг таништиришни таъминлаш, КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссияси қўшма Пленумида қабул қилинган йўл-йўриқлар ва низомларни қисқа муддатда эълон қилиш, уларни тушунтиришни ва партия аъзолари орасида оммалаштиришни ташкил этиш топширилсин. КПСС Уставига, КПСС меъёрий-усулий ҳужжатларига бағишланган оммабоп китобчалар туркумини кўп нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг 1991 йил бюджети тўғрисида

1. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг бюджети даромадлар 907,9 миллион сўм, харажатлар — 1967,9 миллион сўм миқдорида тасдиқлансин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари бюджетидаги камомадни қоплаш учун КПСС бюджетидан 1.060 миллион сўм ажратилсин.

КПСС Марказий Комитети Ишлар бошқармасига партия бюджетини ижро этиш жараёнида унинг кўрсаткичларини аниқлаш топширилсин.

2. Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари КПСС Уставига мувофиқ, маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, партия ташкилотларининг бюджетларини белгилаб берсинлар, молиявий ресурсларни фаолиятнинг устун йўналишларига — КПСС Устави вазифаларини бажаришга, партия ташкилотлари сиёсий ва ташкилий ишлари учун моддий кафолатларни яратишга сарфласинлар.

Партия бюджетидаги камомадни тугатиш, партия ташкилотларини ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишга тайёрлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Шу мақсадда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидан қўшимча даромадларни жалб этиш, партиянинг моддий базасидан ва бошқа манбалардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланиш кўзда тутилсин.

Назорат ва назорат-тафтиш комиссиялари иштирокида партия маблағи тўғри ва оқилона сарфланишини назорат қилиш таъминлансин.

3. Бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетлари назорат органлари билан ҳамкорликда интизомнинг аҳволини, коммунистлар Устав нормаларини бажаришларини кўриб чиқсинлар, Устав талабларини бажармаётган, партияга моддий мадад беришдан ўзини четга олаётган КПСС аъзоларининг ҳаракатларига принципиал баҳо берилсин. Ҳозирги шароитда ана шундай мадад фақат молиявий масала бўлиб қолмай, айни пайтда сиёсий масала ҳам эканлигига асосланиб иш тутилсин.

4. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, республика, ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, партия ташкилотлари, коммунистлар КПСС мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига дахлли масалаларда партия XXVIII съездининг «КПССнинг бюджети ва мол-мулки тўғрисида»ги қарорига амал қилсинлар.

Пленум КПСС мулкининг жамоа, байналмилал тусда эканлигини таъкидлайди, партия комитетлари зиммасига амалдаги қонунлар доирасида бу мол-мулкни умумпартия бойлиги сифатида ҳимоя қилишни таъминлаш вазифасини юклайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЛИТВА ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ФИКРИНИ СЎРАБ БИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ 1991 ЙИЛ 16 ВА 18 ЯНВАРДАГИ ҚАРОРЛАРИ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши СССР халқ депутатлари тўртинчи Съезди қарорларини бажара бориб, ССР Иттифоқи тақдири учун тарихий масъулиятни халқдан бошқа ҳеч ким ўз зиммасига ололмаслигига асосланиб ва СССР референдуми тўғрисидаги Қонунга мувофиқ 1991 йил 16 январда «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш масаласи хусусида СССР референдуми ўтказилишини ташкил этиш ва таъминлаш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилди.

Худди шу куни Литва ССР Олий Кенгаши «Литва Республикаси аҳолиси фикрини сўраб билиш тўғрисида» қарор қабул қилди ва 1991 йил 18 январдаги қарори билан унга аниқлик киритди. Литва ССР Олий Кенгашининг мазкур қарорлари СССР Олий Кенгашининг ССР Иттифоқини сақлаб қолиш масаласи хусусида СССР Референдуми ўтказиш тўғрисидаги қарори республикада бажарилишига тўсқинлик қилишга уринишдан бошқа нарса эмас. Республика раҳбарлари у ерда ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашганлигидан фойдаланиб, сўраб билиш ёрдамида ўзларининг ажрамачилик муддаолари қўллаб-қувватланишини уюштиришга уринмоқдалар.

Шуларни ҳисобга олиб, СССР Конституцияси 1273-моддасининг 1-банди асосида **қарор қиламан:**

1. Литва ССР Олий Кенгашининг 1991 йил 16 январдаги ва 1991 йил 18 январдаги қарорларига мувофиқ ўтказаётган сўрови ва уни «Литва давлатининг келажаги тўғрисидаги плебисцит» деб эълон қилишга уриниши ҳуқуқий жиҳатдан асоссиз деб ҳисоблансин.

2. Литва ССР давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий ва маҳаллий идоралари, СССРнинг тегишли вазирликлари ва идоралари республика ҳудудида СССР Олий Кенгашининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш масаласи хусусида СССР референдуми ўтказилишини ташкил этиш ва таъминлаш тадбирлари ҳақида» 1991 йил 16 январда қабул қилган қарори, шунингдек, СССР референдуми тўғрисидаги Қонун, референдум ўтказиш чоғида барча фуқаролар ўз иродасини эркин ифода этиши учун уларда кўзда тутилган кафолатлар қатъий бажарилишини таъминласинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 5 февраль.

ЭКОЛОГИЯНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши III сессиясининг қарорига мувофиқ, Душанбеда Тожикистон ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашлари депутатлар гуруҳларининг Тожикистон алюминий заводи жойлашган зонадаги экология ва санитария-гигиена ҳолатини нормаллаштириш масаласига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув 9-10 январь кунлари, дастлаб бевосита алюминий заводида, кейин Тожикистон ССР Олий Кенгашида ўтказилди. Учрашув қатнашчилари вазиятни конкрет ўрганиш ва баҳс-мунозара давомида алюминий заводи фаолияти туфайли жиддий экология муаммоси вужудга келгани тўғрисида яқдил фикрга келдилар. Ушбу завод Тожикистон ССРнинг Турсунзода районидаги ҳамда Ўзбекистоннинг Сариосиё районидаги атроф-муҳитни булғатаётган фаол манба бўлиб, одамлар саломатлигига реал хавф солмоқда, ҳаво ҳамда сув ҳавзаларининг, тупроқнинг, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ҳолатига зарарли таъсир қилмоқда.

Учрашув қатнашчиларининг хулосаси ҳам яқдил бўлди: технологияни такомиллаштириш, атроф-муҳит булғатилиши эҳтимолига қарши ишончли тўсиқ қўйиш зарур. Завод бош директори М. Ф. Синанининг Турсунзода ва Сариосиё районлари ҳавосида фторли водород мумкин бўлган даражадан кўпайиб кетишига энди сира йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинди. Шу йил май ойидан октябрь ойигача бўлган даврда 100 та электролизер ишини тўхтатиб туриш ҳақида келишиб олинди.

Депутатлар гуруҳларининг ўтказилган учрашуви натижаларига кўра Тожикистон ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашлари экология комитетлари раислари имзолаган қўшма баённома қабул қилинди.

Мазкур экология муаммосининг муҳимлигини эътиборга олиб, қабул қилинган қарорлар қандай амалга оширилаётганини кўриб чиқиш ва назорат қилиш учун ҳар уч ойда депутатлар гуруҳларининг учрашувларини ўтказиб туриш режалаштирилди.

Якунловчи мажлисда Тожикистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари В. И. Приписнов иштирок этди.

Учрашувда қатнашган депутатлар гуруҳларига Тожикистон ССР Олий Кенгаши халқ саломатлигини сақлаш, ижтимоий таъминот ва экология комитетининг раиси А. И. Субботин билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши экология ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш комитетининг раиси А. Т. Жалилов раҳбарлик қилдилар.

(ЎзТАГ).

СССР Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси

СССР Вазирлар Маҳкамаси халқ хўжалиги базавий тармоқларининг аҳволини ҳамда уларнинг оғир танглиқдан чиқиш йўлларини муҳокама қилишни давом эттирмоқда. СССР ҳукуматининг 5 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида кимё-ўрмон комплексининг иши танқидий таҳлил этилди. Мажлисда етакчи бирлашмалар ва корхоналарнинг, тармоқ касаба уюшмаларининг, вазирликлар ва маҳкамаларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Кимё-ўрмон комплексидаги аҳвол ҳаддан зиёд мураккаб бўлиб қолаётгани мажлисда таъкидлаб ўтилди. Халқ хўжалиги ва аҳолининг кимё, тиббиёт ҳамда қоғоз маҳсулотларига бўлган талаби қондирилмаяпти.

Кимё саноати маҳсулотларининг тақчиллиги туфайли кўпгина энг муҳим тармоқларнинг, айниқса машинасозлик, электроника, қишлоқ хўжалиги, қурилиш саноатининг ривожи тобора секинлашмоқда. Бу эса пировард натижада ишлаб чиқариш ҳажмларига ҳам, шунингдек фан-техника тараққиётининг суръатларига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда.

1990 йилда ишлаб чиқаришда айниқса сезиларли инқироз юз берди. Асосий номенклатурадаги маҳсулотларнинг 43 туридан 34 турини ишлаб чиқариш 1989 йилга нисбатан пасайиб кетган. Умуман ўтган йили комплекс корхоналари шартномалар бўйича 4 миллиард сўмлик маҳсулотни етказиб бермади.

Халқ хўжалигининг хориждан келтириладиган кимёвий молларга боғлиқлиги йил сайин кучаймоқда. Шундай молларни харид қилиш учун валюта сарфи беш йил ичида 1,7 баравар кўпайди.

Жаҳондаги ўрмон заҳираларининг учдан бир қисмига эга бўлган мамлакатимиз ёғоч-тахта маҳсулотларининг сурункали тақчиллигини бошидан кечирмоқда. Бундан энг аввало кончилар, қурувчилар, темирйўлчилар зарар кўришмоқда. Ёғоч, тайёрлашни йўлга қўйишда кўпинча маҳаллийчилик ва маҳкамачилик кўринишлари пайдо бўлмоқда. Иркутск вилояти, Коми АССР ва бошқа минтақалар бўйича шундай мисоллар келтирилди.

Аҳолини дори-дармон билан таъминлашда нохуш аҳвол вужудга келган. Бу эса жамиятда қўшимча равишда ижтимоий кескинлик туғдирмоқда. Мамлакат ҳар йили хориждан 2 миллиард сўмликдан кўпроқ миқдорда дори-дармон сотиб олишга мажбур бўлмоқда.

Мажлис қатнашчилари кимё-ўрмон комплексининг ишлаб чиқариш имкониятларидан тармоқлараро ва тармоқлар ичидаги номутаносиблик, технология ва меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги, аварияларнинг жуда кўп юз бериши туфайли тўла-тўкис фойдаланилмаётганлигига эътиборни қаратдилар. Комплексни ривожлантиришда сармояларни яхши ўзлаштирмаслик ва уларнинг етарли ҳажмда эмаслиги, қурилишларни ташкил этишдаги қолоқлик ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетганлигига узоқ вақт ичида экология масалаларига ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга етарли даражада эътибор берилмаганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бунинг натижасида маҳаллий идораларнинг қарорига биноан корхоналар, цехлар ва участкалар ёпиб қўйилди. Ҳозирги вақтда 44 та йирик корхонада цехлар тўхтатиб қўйилган. Ўта тақчил маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган кўплаб цехлар тўла қувват билан ишламаяпти. Вужудга келган хўжалик алоқаларининг бузилиши, энергоресурсларга ҳамда транспортга регионал улгуржи нархлар анча ошганлиги, кимё-ўрмон комплекси корхоналари ва бирлашмаларининг ишлаб чиқариш фаолияти ёмонлашганлиги натижасида уларнинг кўп қисми молиявий жиҳатдан мураккаб аҳволга тушиб қолдики, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу меҳнат жамоаларини айниқса ташвишлантирмоқда. Корхоналарнинг директорлари айни шу ҳақда гапирдилар.

Сўзга чиққан кишилар моддий-техника таъминотини, нарх белгилашни ташкил этишдаги, иш ҳақи, молия, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги камчиликлар учун марказий иқтисодий идораларни асосли равишда танқид қилдилар.

Бош министр В. С. Павлов мажлисни якунлар экан, ҳеч кечиктирмай ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб масалаларни белгилаб, улар юзасидан аниқ-равшан топшириқлар берди. Жумладан, кимё-ўрмон комплексининг эҳтиёжларига ажратиладиган валюта маблағларидан самаралироқ фойдаланиш, ҳозирги пайтда тўла қувват билан ишламаётган корхоналардан тўлалигича фойдаланиш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш учун қўшма корхоналар сонини кўпайтириш йўллари белгиланди.

Марказий иқтисодий идораларга саноатнинг кимё, нефтни қайта ишлаш, ўрмон, тиббиёт тармоқларининг молиявий аҳволини пухта ўрганиб чиқиш ва шу тармоқлар ишини изга солиш юзасидан таклифлар бериш топширилди. Мамлакат халқ хўжалигининг бозор муносабатларига ўтиши шароитида ана шу тармоқларни бошқаришни такомиллаштиришга доир амалий таклифлар ҳам айтилди.

(ТАСС).

Иттифоқми ёки конфедерациями?

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ СЪЕЗДИДА

● СССР Журналистлар уюшмаси қандай бўлиши керак? Бу саволга мамлакатимиздаги энг оммавий ижодий ташкилотнинг VII съезди жавоб бериши керак. Съезд 5 февраль куни Москвада КПСС Москва шаҳар комитети ва вилоят комитетининг ижтимоий-сиёсий марказида очилди.

Журналистлар анжуманига бутун мамлакатдан 700 дан зиёд делегат келди. Болтиқбўйи республикалари ва Грузия съездга кузатувчиларни юборди.

Съезд қатнашчилари ҳаётдан кўз юмган ҳамкасбларининг, ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган журналистларнинг хотирасини ҳурматлади.

Съезднинг ишчи органлари сайланди. Лекин кун тартибини тасдиқлаш чоғидаёқ қизғин мунозара чиқди. Асосий масалалар — СССР Журналистлар уюшмасини тубдан янгилаш ва унинг янги тузилишини белгилаб берадиган ҳужжатларни, тафтиш комиссияси ҳисоботини ва бошқа муҳим муаммоларни муҳокама қилишдан ташқари делегатларнинг талабига биноан СССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг раиси, СССР халқ депутати Л. П. Кравченконинг Матбуот тўғрисидаги қонунга риоя этишга доир позициясини муҳокама қилишга қарор қилинди.

Кун тартибини белгилашга кўп вақт кетди, президиум ва зал ўртасида тез-тез тушунмовчилик пайдо бўлиб турди. Чамаси, худди шу вазият съездни «Цветной бульвардаги иккинчи циркка» айлантирмай амалий ишлашга даъват этишга делегатлардан бирини мажбур қилди.

СССР Журналистлар уюшмасини тубдан янгилаш ва уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида уюшма бошқаруви раиси И. А. Зубков маъруза қилди. У съездга тақдим этилган Журналистлар уюшмалари конфедерацияси лойиҳаси мамлакат журналистлари ижтимоий ижодиётининг якуни эканлигини айтди. Журналистларнинг мутлақо янги бирлашмаси эркин, ўзини ўзи бошқарадиган, давлат идоралари ва сиёсий партияларга қарам бўлмаган ва уларга ҳисоб бермайдиган ижодий ташкилот бўлади.

Нотиқ журналистлар янги бирлашмасининг келажаги Иттифоқ тақдирига боғлиқ эканлигини таъкидлади. Конфедерация субъекти тушунчаси кўпгина саволларни келтириб чиқармоқда. У съезд қатнашчиларини журналистларни жипслаштириш йўлларини биргалашиб излашга чақирди ва шахсонпарварлик ҳамда касб бирдамлиги қоидаларига асосланган тотувликка эришиш мамлакат учун яхши намуна бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Сўнгра съезд делегатлари СССР Журналистлар уюшмаси тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитдилар ва музокарага ўтдилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС мухбири).

КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма Пленуми (1991 йил, январь)

ҲОЗИРГИ ПАЙТ ВА ПАРТИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ В. А. ИВАШКО маърузаси

КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко ўз маърузасида мамлакатда ва партияда вужудга келган вазиятни рўй-рост ва холисона баҳолаш зарурлигини таъкидлади ҳамда партиянинг марказий органлари ўзларининг кундалик ишида амал қилаётган принципиал қоидаларини айтиб берди.

Биринчиси. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Котибияти партия XXVIII съезди ишлаб чиққан сиёсий йўлга муттасил амал қилиб келмоқдалар. Съезднинг Дастурий баёноти ва қарорлари, КПССнинг янги Устави Марказий Комитет Сиёсий бюроси билан Котибияти барча қарорларининг, партия комитетларига юборилаётган йўл-йўриқларнинг асосидир. Айни пайтда, гарчи ҳамиша ҳам ўз вақтида аниқ бўлмаса-да, тез ўзгариб бораётган вазият, ижтимоий онгнинг беқарорлиги унинг ғайрикоммунизм, миллий шовинизм, халққа ёқиш учун қилинаётган енгил-елпи ҳаракатлар тарғиботчилик тўфонидан етарли равишда ҳимояланмаганлиги тактик жиҳатдан эътиборга олинмоқда. Жамиятимиз неча ўн йиллар давомида шакланиб келган аниқ тарихий шароит ҳисобга олинадиган бўлса, қорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар жамиятимиз учун айниқса хатарлидир.

Иккинчиси. Марказий Комитет Сиёсий бюроси билан Котибияти амалий ҳаракатларда совет жамиятини янгилашни, СССР Конституциясига, ижтимоий ривожланишнинг социалистик қоидаларига садоқат йўлини тўлатўкис қўллаб-қувватламоқдалар, гўё давлатнинг ички ва ташқи снёҳатини ўзгартиришга ургинишлар бўляпти, деб бизнинг шанимизга қилинаётган туҳматлар ва бўҳтонларни қатъиян рад қиладилар. Биз жуда кўпчилик совет кишиларининг тинч инсоний жамиятда яшаш муддаосини қатъият билан қўллаб-қувватлаймиз. Сиёсий йўлнинг барқарорлиги ва ижтимоий жараёнлар ривожининг қай йўлдан бориши равшанлиги ҳар бир инсон соғлом турмушинингина эмас, шу билан бирга давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини сақлаб қолишнинг ҳам гаровидир, жаҳон ҳамжамиятида эса бақувват ва барқарорлар қадрланади, заиф ва бетайинлар билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш мутлақо ёқтирилмайди.

Учинчиси. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Котибияти ички партиявий манфаатларга нисбатан инсон, халқ ва давлат манфаатларининг бирламчилиги, биринчи навбатда аҳамияти нуқтаи назаридан турибдилар. Партиямиз зиммасига режалаштирилган ислоҳотларнинг муваффақияти учун тарихий масъулият тушади. Бу ислоҳотлардан кузатилган мақсад — диёримизда бемалол ишлайдиган, осойишта яшайдиган кўп миллатли жамиятни барпо этишдан иборат, бу жамиятда суверен республикалар ўзларига қарашли мол-мулкни тасарруф этадилар, ўз маданияти, илм-фани, маорифи, тили, бошқа миллий қадриятлари ҳақида ғамхўрлик қиладилар, ҳаммалари биргалашиб халқларнинг ҳоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, уларнинг дўстлиги асосида Совет Иттифоқини, барча совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолоти бўлмиш буюк жаҳоншумул давлатни сақлаб қоладилар ва эҳтиёт қилиб асрайдилар.

Бу жуда мураккаб вазифани ҳал этишга, тарихнинг ўзи бериб қўйган имкониятдан фойдаланишга қодир бўлган партиямиздан бошқа куч ҳозир йўқлигини нотўғри фикрдаги ёки эндиликда гапириш одат бўлганидек, маҳдуд, эҳтиёлки, саводсиз одамгина тушунмайди. Биз биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган кучлар билан бирга ишлашга тайёрмиз. Бироқ биринчи галда ўз кучларимиз натижасидагина муваффақиятга эриша олишимизга асосланиб иш кўрмоғимиз керак.

Тўртинчиси. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан Котибияти иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда ҳар қандай бузғунчи ғояларга ва хатти-ҳаракатларга қатъият билан қарши туриш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Шу пайтга қадар бизнинг томонимиздан етарли зарба берилмаганини тан олмоқ керак. Бизнинг вазминлигимизни баъзи бироклар заифлик, саросималик деб, кўпинча ёвуз ва қўпол тарзда қилинган хуружларга жавоб бериш қобилиятининг йўқлиги деб баҳоладилар. Партиянинг, Ленининг, Октябрь ғояларининг аҳамиятини пасайтириб кўрсатиш йўлидаги уринишлар тобора маккорона ва андишасиз тус олмоқда. Бунга асло тоқат қилиб бўлмайди.

Ниҳоят, бешинчиси. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан Котибияти партия ва жамиятдаги соғлом кучларни жипслаштириш, ҳар бир партия ячейкаси доимий ишлайдиган, ҳаракат қиладиган аниқ-равшан натижаларга эришадиган ҳолатга етиш йўлини сабот билан ўтказиб келмоқдалар. Бу — партия турмушини изчил демократиялаш билан бирга партияни амалда янгилашнинг гаровидир.

Айтилган бу фикрлар жамоат ва партия турмушининг энг муҳим масалалари хусусидаги қатъий нуқтаи назаримизни баҳолаш имкониятини беради, деб ўйлаймиз.

Маърузачи сўзини давом эттириб, яна бундай деди: мамлакатимизда рўй бераётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар жиддий можаролар-сиз ва тўқнашувларсиз ўтавериши мумкин, деб фараз қилиш соддалик бўлур эди. Тарихда ҳали ҳеч ким ва ҳеч қачон кўп кишиларнинг манфаатларига дахлдор бўлган шу қадар кенг миқёсли ўзгаришларни қаттиқ қаршиликсиз ва ўзаро курашсиз амалга оширишга, шунингдек, табиийки, ҳатоларсиз ва янглишишларсиз рўёбга чиқаришга муваффақ бўлган эмас.

Иқтисодиётни, давлат тузилишини ислоҳ қилиш, жиноятчиликни жиловлаш, ижтимоий иноқликка эришиш йўллари ва усуллари тўғрисидаги масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Миллий тикланиш жараёни авж олганлиги бир қанча жойларда миллий қарама-қаршиликка айланиб кетди. Миллатчилик ва айирмачилик этник гуруҳлар ўртасидаги можаролар тўлқинини кучайтирди. Жамиятнинг маънавий тиргаклари хавф остида қолди. Бу соҳада соғлом фикрли барча сиёсатчилардан, Ватан тақдирини азиз билувчи ҳар бир кишидан жамиятни бундан буён барбод бўлишидан сақлаб қола оладиган ҳаракатлар талаб қилинади.

СССР халқ депутатларининг IV съезди жамиятни жипслаштириш мақсадини кўзловчи муҳим воқеа бўлди. Съезднинг жамият ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига, Иттифоқ шартномасини тузиш шартларига, ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлашга, Иттифоқ бюджетига тааллуқли қарорлари барча сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг амалий ишлаши ҳамда баҳамжиҳат бўлиши учун чинакам истиқболларни очиб бергандек бўлган эди.

Бироқ ўтиш даврининг бениҳоя мураккаб муаммоларини ҳал этиш учун КПСС таклиф қилган мулоқот ва муросага келиш йўли ҳақиқий ҳаётда айирмачилар ва миллатчиларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда. Улар орасида ўз мақсадлари ва шахсий манфаатларини мамлакат тақдиридан ва халқ манфаатларидан устун қўювчи турли-туман сиёсатчилар ҳам бор.

Кейинги ойлардаги воқеалар сиёсий кучларнинг жойлашишидаги ўзгаришларни равшан кўрсатди. Ўзларини «демократлар» деб атаётган кучлар тезлик билан ўнгга оғиб бормоқдалар ва тобора ғайрисоциалистик қадриятларни ва ғайриконституциявий ҳаракатларни кўзлаб, очиқдан-очиқ иш тутмоқдалар. КПССга қарши турган очиқ-равшан ўнг оқимга мансуб бўлган, мамлакатдаги ижтимоий тузумни ўзгартириш мақсадини кўзловчи партиялар ва оқимлар блоки тузилмоқда. Аслида улар КПССни сиёсат саҳнасидан қисиб чиқариш учун социализмни аввалбошданоқ самарасиз ғоя деб, уни қоралаш учун, Совет Иттифоқини барбод қилиш учун ошкора курашга ўтдилар.

Сиёсий кураш тактикаси ҳам мана шу илк заминга асосланмоқда. Агар у мухтасар таърифланса, бу тактика «қанчалик ёмон бўлса — шунчалик яхши» деган ваҳшиёна қилувчи қоидадан иборат. Мамлакатдаги аҳвол нақадар мураккаб бўлса, ҳокимият тепасига шу қадар тезроқ чиқиб олишга ва баён этилган стратегик мақсадларни рўёбга чиқаришга киришишга муваффақ бўлинади.

Сиёсий ва маънавий зўғум усуллари, одамларни бадном қилиш, ҳокимиятнинг қонуний тартиб-қоидаларини ва қонуний сайлаб қўйилган раҳбарларни ҳақорат қилиш, қонунларни ижро этмасликка, иш ташлашга ҳатто фуқароларнинг ёппасига итоатсизлигига даъват этишлар кенг миқёсда ишга солинди.

Умуман, кўз ўнгимизда мамлакатимиздаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизмани тугатиш режасини амалга ошириш учун астойдил уриниш бўляпти, дейиш мумкин.

Рўй бераётган воқеалар, шу жумладан, Болтиқбўйидаги сўнгги воқеалар хусусидаги бизнинг фикримиз аниқ ва равшан. Биз Болтиқбўйидаги воқеалар муносабати билан СССР Президентининг Баёнотини қўллаб-қувватлаб, жамиятни ва мамлакатни ғаним лагерларга парчалаб ташлаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга, миллий адоватга, ашаддий ва бузғунчилик тарзидаги қарама-қарши туришга, зўравонлик ва бедодликка, ўлар қайси шаклда ва қаерда намоён бўлмасин, буларнинг ҳаммасига қатъиян қарши чиқамиз.

Биз фуқароларнинг ҳуқуқлари қўпол бузилишини, одамлар миллатига қараб камситилишини, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига қўпол муносабатда бўлинишини, муайян доираларнинг Болтиқбўйидаги воқеалар учун масъулиятни партиямизга тўнкаш ва шу муносабат билан ғайрикоммунистик жазавани авж олдириш йўлидаги уринишларини қатъиян рад қиламиз. КПСС демократик жараён ривожланиши учун зўравонликка қарши изчил курашиб келмоқда. Фақат СССР Конституцияси, Совет давлатининг қонунлари, ҳар бир кишининг ҳуқуқларига риоя этилишигина юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қила олади.

Ҳар бир можаронинг ўзига хос тарихи, ўзининг чуқур сабаблари борлиги шубҳасиз. Мана шу сабабларни холисона суриштириб билиб олиш керак, фожиадан манфаат кўриб қолишга уриниш ярамайди. Мана шундай манфаат кўриб қолиш йўлидаги, бунинг устига кенг миқёсдаги, ҳатто халқаро майдонга чиққан уринишлар бўлганлиги ҳам равшан. Модомики, шундай экан, эндиликда олис мақсадларни кўзловчи уюшган сиёсий оппозиция деб аталган ҳоиз бўлган кучлар аниқ мақсадни кўзлаб, ўзаро келишиб, хуруж қилаётганликларини равшан фаҳмлаб олмоқ керак.

Аввало, марказга, Иттифоқнинг барча тузилмаларига хуруж авж олдирилди, Армия, Давлат хавфсизлиги комитети, Ички ишлар вазирлиги бадном қилинмоқда. Янги Вазирлар Маҳкамасини ҳам унутишмаяпти. СССР Президентига андишасизларча ҳужумлар қилинмоқда.

Гўё қайта қуриш, демократия, ошкоралик барҳам топмоқда, унинг ўрнини диктатура олмоқда, деган гапни одамларнинг қулоғига қуймоқдалар. Эндиликда сохта демократларнинг у ёки бу ғояларига, дастурлари ёки ҳаракатларига шубҳа билан қараётган ҳар бир кишини улар ўйлаб-нетиб турмай «реакционерлар» — қайта қуришдан қайтганлар қаторига қўшиб қўймоқдалар. РСФСР Олий Кенгашини ССР Иттифоқини вайрон қилувчи зарбдор кучга айлантириш йўлидаги уринишлар таҳликали оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган хатарли уринишлардир.

Сўнгра маърузачи ҳозирги мураккаб халқаро вазиятга тўхталди, СССРдаги қайта қуриш мана шундай вазият шароитида ўтаётганини таъкидлади. У умуман мамлакатдаги вазиятни таърифлаб, ташвишланиш учун асос бўлса ҳам, аммо вахимага тушиш керак эмаслигини уқтириб ўтди. Партия бунёдкорлик ишларини амалга оширишга бел боғлаган, бироқ бизга қарши қаттиқ сиёсий кураш бошланган экан, КПСС бундай курашдан бўйин товламаслиги керак.

Ўртоқ Ивашко иқтисодиётдаги ишларнинг аҳволига тўхталиб, 1990 йилда урушдан кейинги даврда биринчи марта ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мутлақ пасайиши содир бўлганини таъкидлади. Нефть ва кўмир қазиб чиқариш, металл эритиш соҳасида мамлакат 80-йилларнинг бошларидаги аҳволга тушиб қолди. Тармоқлараро ишлаб чиқариш алоқалари издан чиққанлиги, хом ашё, чала тайёр маҳсулотлар, бутлаш буюмлари, эҳтиёт қисмлар, шу жумладан, чет эллардан олинадиган мана шундай ашёлар етишмаётганлиги сабабли юзлаб корхоналар, шу жумладан,енгил саноат тўхтаб қолиш ёқасига келиб қолди. Бу корхоналарда юз минглаб кишилар меҳнат қилмоқдалар. Иш вақтининг бевосита зое ўтиши оқибатидагина беш миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмай қолди. Ҳар тўрт корхонанинг бири шартномавий мажбуриятларни бажармади. Халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш ҳаддан ташқари чўзилиб кетганлиги, ислоҳотларни ўтказишдаги пала-партишлик ва хатолар, меҳнат фаоллиги пасайганлиги, интизом бўшашиб кетганлигининг оқибати мана шундай бўлди. Кўпгина жамоалар иқтисодий мустақилликдан ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтириб, унинг нархини ошириш ҳисобига фойдани кўпайтириш ва меҳнат ҳақи фондларини ошириш учунгина фойдаландилар.

Янги йилдан кейин ҳам аҳвол яхшиланмаяпти. Ишлаб чиқариш таназзулини тўхтатиш у ёқда турсин, ҳатто кучаймоқда. Бир қанча корхоналарда дастлабки кунлардаёқ цехлар, бутун-бутун корпуслар тўхтатиб қўйилди. Шу йилнинг январь ойида маҳсулот энг муҳим турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 5—10 фоиз камайди. Молларни етказиб бериш ва сақлаш яхши ташкил этилмагани, улар талон-торож қилиниб, чайқовчилар қўлига тушаётгани, бир қанча ҳолларда эса очиқдан-очиқ бузғунчиликка йўл қўйилаётгани натижасида аҳвол мушкуллашмоқда.

Ишлаб чиқариш режаларининг ва моддий-техника таъминотининг мувофиқлаштирилмаганлиги ишдаги узилишларнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан хўжалик шартномаларини тузишда доир ишлар шу пайтгача тугатилмаган, корхоналар ўртасида хўжалик алоқаларини қайта тиклашга тўсқинлик қилаётган минтақаларароқ кўпдан-кўп тўсиқлар бартараф этилмаган.

Моддий неъматларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг нормал меҳнат маромини тиклашга оид энг қатъий, эҳтимол, ҳатто фавқулодда чоралар кўриш зарур. Бундай чора-тадбирлар партия томонидан, айни пайтда партиянинг барча тузилмалари томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Истеъмол бозоридаги аҳвол энг муҳим сиёсий муаммо бўлиб қолди. Кескинликни пасайтириш имкониятлари бор, бироқ бу имкониятлар рўёбга чиқарилмаяпти.

КПСС Марказий Комитети Котибияти партия ташкилотларини СССР халқ депутатларининг Съезди қабул қилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ аҳволни барқарорлаштириш давлат дастурини бажаришга янада фаолроқ қўшилишга даъват этишни зарур деб топди. Бу—қишлоқ ва шаҳар коммунистлари ўзларининг муносиб ўрнини эгаллаши лозим бўлган аниқ ишдир.

Баъзан шундай таассурот туғилмоқдаки, айрим партия ташкилотлари ишлаб чиқариш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ўзларини «озод қилиб», четдан кузатувчиларга айланиб қолганга ўхшайди. Улар жараёнларни таҳлил қилмай қўйдилар, вазиятдан келиб чиқиб жараёнларга фаол таъсир кўрсатмаяптилар. Ўзингиз хулоса чиқаринг: умуман РСФСРда рекорд миқдорда дон йиғиштириб олинган, озуқа экинлари мўл бўлган бир пайтда қишловнинг дастлабки уч ойида сут тайёрлаш ўтган йилгидан 10 фоиз, жумладан, марказий Қоратупроқ вилоятларида 15 фоиз, Волгабўйида 14 фоиз, Молдова республикасида 13 фоиз камайиб кетди. Украиннинг Львов, Одесса, Қозоғистоннинг Олмаота, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятларида ҳам аҳвол шундай.

Биз шуни рўй-рост айтишимиз керакки, бу—чорвадорлар билан олиб бориладиган ишларда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги натижасидир. Бу борада кўпгина партия ташкилотлари, қишлоқ район партия комитетларининг ҳам айби бор. Ваҳолонки, бу борада анчагина тажриба тўпланган. Нима учун эндиликда ана шу тажриба ҳисобга олинмаяпти?

Орамизда, айниқса, шаҳарларда кўпгина шундай раҳбарлар борки, улар янги иқтисодий омиллар ва усуллар эълон қилинса бас, улар ўз-ўзидан ҳаракатга келади, деб қаттиқ ишонадилар. Ўтган йили кузда шундай бўлди: мўл ҳосил етиштирилди, деҳқонлар уни йиғиштириб олишда қийналишди, шаҳарликлар эса — оталиқ ташкилотлари ҳам, бошқалар ҳам кўп ҳолларда четда турдилар. Натижа сизларга маълум.

Келгусидаги ҳосил билан ҳам шундай вазият вужудга келиши сезилиб турибди. Бутун мамлакатда 5 миллион гектардан ортиқ майдонга кузги дон экилмай қолди, 30 миллион гектар майдон шудгор қилинмади. Бир қанча жойларда уруғлик тайёрлаш ва техникани ремонт қилиш, машина-ускуналар ва ўғит етказиб бериш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи кўнгилдагидек эмас. Катта ҳажмдаги баҳорги ишларни деҳқонларнинг ўзлари уддалай олмайдилар, демак, кеч бўлмай туриб, қишлоққа амалий ёрдам бериш лозим.

Партия ташкилотларининг вазифаларидан бири—қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини ислоҳ қилишга, кўп укладли иқтисодиётни қарор топтиришга фаол ёрдам беришдан иборат. Партия комитетлари ер ислоҳоти ўтказишда, махсус ер фондини вужудга келтиришда маҳаллий Советларга кўмаклашишлари зарур. Қишлоқ аҳолиси ва шаҳарликлар шу йил баҳоридаёқ оилавий фермалар, деҳқон хўжаликлари, кооперативлар ташкил этиш, шахсий ҳовли-жойларни мустаҳкамлаш учун ана шу ер фондидан ижарага ер участкалари олишлари мумкин бўлур эди. Қисқа қилиб айтганда, қишлоқни бутун чоралар билан юксалтиришга қарор қилган эканмиз, келинглар, бу ишга астойдил киришайлик.

Иқтисодиётни соғломлаштириш асосан бугунги кунда бошқарув ва хўжалик юритишнинг барча даражаларида молиявий фаолиятни нормал изга солишга боғлиқ. Иттифоқ ва жумҳуриятлар бюджетлари ўртасидаги номувофиқлик натижасида жойларда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш учун ресурсларни аниқлаб олишда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Пул даромадлари, бюджет камомади кўпайиб бораётганлиги давлатнинг ички ва ташқи қарзи, муомалада ортиқча пул кўпайишига, пулнинг қадрсизланиши кучайишига олиб келди.

Ўн иккинчи беш йилликда аҳолининг пул даромадлари 232 миллиард сўм кўпайиб, ундан аввалги беш йилликдагига нисбатан уч баравар ўсди. Қандай бозор, қандай иқтисодиёт бундай кўп миқдордаги пул ҳажмига бардош бериши мумкин, деган савол туғилади.

Омилкор молиявий сиёсат, давлат маблағларини муайян даражада тежаш, даромадларнинг хўжалик фаолияти натижаларига бевосита боғлиқ қилиб қўйилишини таъминлаш зарур.

Мамлакатда амалда пул ислоҳоти бошланди, бироқ бу иш ноизчил, катта қийинчиликлар билан ўтмоқда. Харид, улгуржи ва чакана нархлардаги кескин фарқ маҳсулот ва биринчи галда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилишига тўсқинлик қилиб, кўпгина корхоналарнинг молиявий аҳволини қийинлаштирди. Жойларда шусиз ҳам кескин сиёсий вазиятни янада мушкуллаштириб, нарх-навони ўзларича тартибга солмоқдалар.

Давлат чакана нархларининг барча республикалар билан келишиб олинган ягона қоидалари зарур. Бунда уларнинг келиб чиқиши мумкин бўлган барча иқтисодий оқибатлари пухта ҳисобга олиниши лозим. Бу ишда амалга ошириладиган ҳар бир тадбир пухта ўйлаб кўрилиши, нарх-наво оширилганда аҳоли кўрадиган зарарни ўз вақтида, жадал қоплайдиган самарали система амал қилиши зарур. Кам таъминланган фуқаролар, энг аввало, пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар, айниқса, бунга дахлдордир.

Иқтисодий аҳволни изга солишга оид барча ишларни бозор муносабатларига ўтиш билан мустаҳкам боғлиқ равишда олиб бориш муҳимдир. Партия ўзининг бозорга муносабатини аниқлаб олди. Партия бозорни меҳнат омилларини ҳаракатга келтириш, рақобатни таъминлаш, яккаҳокимлик, текисчилик ва тайёрга айёрликдан халос бўлиш воситаси деб билади.

Амалда биз бозор сари боряпмиз. Мулкчилик тўғрисида, корхоналар ҳақида, янги солиқ системаси, банклар тўғрисида ва бошқа кўпгина қонунлар қабул қилинди. Бозор иқтисодиёти механизмлари амал қилиши учун ҳуқуқий муҳит қарор топа бошлади. Шу боисдан бизни бозор иқтисодиётидан воз кечиляпти ва хўжалик юритишнинг аввалги маъмурий усулларига қайтиляпти, деб айблаётганликлари асоссиздир.

Бозорга ўтиш иқтисодиёт ва ижтимоий-сиёсий соҳада унчалик маълум бўлмаган, кўпинча каттиққўл чора-тадбирларни кўриш билан боғлиқдир. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бу — муқаррардир. Ҳар қандай бозор дастурларининг асосчилари ҳам буни эътироф этмоқдалар. Бироқ шуни айтиш лозимки, Иттифоқ ҳукумати ана шундай тадбирлардан бирини қабул қилса, сиёсатчилар бу «халққа қарши тадбир», «шубҳали ғоя» деб жар солмоқдалар. Шу хусусда бир нарсани: бозор сари бориладиган йўлдаги ҳар бир тадбир ғаразли сиёсий найранг нишонига айлантириладиган бўлса, ҳеч қандай ислоҳот амалга ошмаслигини айтиш зарур.

Масалан, ҳозир кўпчиликни мулкни ислоҳ қилиш масаласи ташвишлантирмоқда. Бироқ, бу борада ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки нуқсонлар аён бўлиб қолди. Бир қанча республикаларда Иттифоқ идораларининг маъмурий-буйруқбозлик ҳукмини жумҳурият миқёсидаги ҳукм ўтказиш билан алмаштиришга уринишлар сезилмоқда.

Партия масалани бошқача тарзда ўртага қўймоқда. Бозор иқтисодиётида марказ ҳам, республикалар ҳам корхоналарга буйруқ бермаслиги лозим. Меҳнат жамоаларига амалда иқтисодий мустақиллик бериш керак, токи улар ишлаб чиқариш натижалари учун масъулиятни ўз зиммасига олсинлар.

Биз мулкчилик барча турларининг тенг ҳуқуқлилиги учун курашар эканмиз, унинг жамоа шаклларига афзаллик берамиз. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштиришнинг пухта ишлаб чиқилган усуллари йўқ экан, бу жараён халқ мулкининг талон-торож қилинишига ва яширин иқтисодиёт карчалонларига сотиб юборилишига йўл қўйиб бўлмайди. Партия комитетлари ҳозирнинг ўзидаёқ қабул қилинган қонунлар доирасида меҳнат жамоаларининг мулкни ижарага олиш, жамоа ва акционерлик корхоналари ташкил этиш орқали хўжалик ташаббус кўрсатишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда уларга ёрдам беришлари мумкин.

Бозорга ўтиш чоғида одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоси муқаррар кескинлашади. Келинглар, ижтимоий кескинликка сабаб бўладиган воқеаларга теран назар ташлайлик. Жамиятда мулкий табақаланиш кучаймоқда. Аҳоли кўпчилигининг турмуш даражаси пасайиб бормоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида колхоз бозорлари ва кооператив савдодаги нархлар ҳисобига чакана нархлар анча ошди.

Одамларни иш билан таъминлаш муаммоси кескинлашмоқда. Кўпчилик эса ишдан пул топиши керак. 1991 йилда конверсия чоғида ишдан бўшатиладиган 600 мингдан ортиқ мутахассис ва ишчига янги касб-кор ўргатиш ва уларни бошқа иш билан банд қилиш талаб этилади. Ишлаб чиқаришга маблағ сарфлаш қисқариши натижасида қурувчиларнинг катта қисми ўзлари қўникиб қолган ишдан маҳрум бўлади.

Партия комитетлари бу соҳадаги вазиятни пухта билишлари, вазиятни юмшатиш учун ўзлари ишлаб чиққан тадбирларни таклиф этишлари керак. Структуравий ўзгаришлар натижасида ишдан бўшатиладиган кадрларни янги, халқ хўжалиги учун зарур бўлган фаолиятга ўтказиш ғоят муҳимдир. Шунинг учун ҳам одамларнинг малакаси ва иш вақтини жамият бой бермаслиги тўғрисида олдиндан ғамхўрлик қилишлари лозим.

Кўпгина ижтимоий масалаларни ҳал этиш мушкуллашди. Фойдаланишга топширилаётган уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар ва бошқа иншоотларнинг сифати кўнгилдагидек эмас. Ўтган йилнинг ўзидагина аҳолига 29 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилмади.

Партия комитетлари буни фақат Советлар ва идораларнинг муаммоси деб ҳисоблашлари мумкин эмас. Уй-жой муаммосини ҳал қилишга маҳаллий кучларни, резерв ва имкониятларни сафарбар этиш зарур. Бу айни амалий ишлардан биридир.

Маърузачи долзарб жорий муаммоларни ҳал этиш зарурлиги тўғрисида гапириб, иқтисодиётда бир кун тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан яшаб бўлмаслигига эътиборни қаратди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммоларини ҳал этар эканмиз, айни пайтда фан-техника тараққиётининг сўнгги ютуқларини ўзида жамлаши лозим бўлган ишлаб чиқариш кучларини такомиллаштириш ва янгилаш тўғрисида ўйлаш даркор. Бу илм-фанга, базавий тармоқларни ривожлантиришга, замонавий серунум машинасозликни, ресурсларни тежайдиган технологияларни яратишга маблағ сарфлашга мос келадиган пухта ўйланган сармоя сарфлаш сиёсатини тақозо этади. Бу борада кўп нарса Иттифоқ, шунингдек, республикалар ҳукуматларнинг, режалаштирувчи идораларнинг мавқеига боғлиқдир.

Ўртоқ В. А. Ивашко жамиятни янгилаш жараёнида КПССнинг роли тўғрисида гапириб, партиянинг амалий мавқеи, энг аввало, аниқ-равшан ҳаракатларда ифодаланиши зарурлигини айтди.

Партия халқ билан мустаҳкам боғланган. Одамлар манфаати йўлидаги амалий ишлар партия обрўйини оширади. Бунинг устига, ижтимоий турмуш жараёнларида, янги иқтисодий, сиёсий, маънавий муҳитни шакллантиришда партиянинг иштирок этиши унинг янгиланишини жадаллаштиради.

Миллион-миллион коммунистлар ўзининг сиёсий тақдирини белгилашдан иборат қийин йўлни босиб ўтиб, партия сафида қолди. Кўпгина партия ташкилотлари, жумладан, итифоқдош республикаларнинг Компартиялари, жумҳурият ва вилоят ташкилотлари ўзини бир ёқлама ҳимоя қилишдан фаол ҳаракатларга ўтиб, аста-секин дадил бўлмоқда, бунёдкорлик ишларида ташаббус кўрсатмоқда.

Бироқ, умуман партия турмушини қайта қуриш суст бормоқда, бир қанча ташкилотларда эса фаоллик ва интитзом сусаяётганлиги сезилмоқда.

Биз аниқ вазиятга етарли даражада ўз вақтида муносабат билдирмаётганлигимизни танқидий руҳда тан олишимиз зарур. Режалаштираётган барча нарсаларимизни амалга оширишга муваффақ бўлолмаяпмиз. Лекин шуни рўй-рост айтайлик — бутун партия сингари Марказий Комитет, Сиёсий бюро, Котибият кейинги вақтда ғоят мураккаб сиёсий вазиятда иш олиб бормоқда. Ана шундай вазиятдан чиқишнинг фақат битта йўли бор — у ҳам бўлса, аҳиллик билан ишлашдан иборат.

Партиянинг барча тузилмалари — ўлка, вилоят, шаҳар, район партия комитетларининг аниқ-пухта ишлашини таъминлаш, қуйидан юқоригача партия ташкилотлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш — биринчи галдаги вазифадир. Бугунги кунда ҳар бир киши биз ягона партия эканлигимизни ва ҳамиша ўртоқларча бирдамликни намоён этишимиз кераклигини англаши лозим. Фақат шу йўл билангина жамиятда ғоявий ва маънавий мавқени мустаҳкамлаш ва янги марраларга чиқиш мумкин.

Ҳозирги шароитда иттифоқдош республикалар Компартияларининг КПССдаги ўрни тўғрисидаги масала биз учун янгича тарзда ўртага қўйилмоқда. Бу муаммонинг моҳияти қуйидагича: КПСС Уставига мувофиқ иттифоқдош Компартияларнинг мустақиллигини ва айни пайтда коммунистларнинг бутун партия платформасидаги ҳаракат бирлигини амалда таъминлаш керак. Коммунистлар байналмилалчи бўлгандагина, улар меҳнаткашларнинг умумий манфаатлари учун курашгандагина коммунист бўлиб қоладилар.

Ҳозирги вақтда Компартиялардаги аҳвол бир хил эмас. Раҳбарият миллатчилик хуружлари олдида чекинадиган, айирмачилар билан муроса қиладиган бўлса, Компартия меҳнаткашлар кўз ўнгида ўз мавқеидан, обрўэътиборидан маҳрум бўлади ёки инқирозга юз тутади. Ва аксинча, Компартия социализм ва байналмилалчилик ғояларини қаттиқ туриб ҳимоя қилса, у ҳатто бузғунчи кучларнинг оғир зарбаларидан кейин ҳам ўзини йўқотмайди.

Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич партия ташкилотлари КПССнинг қисми сифатида мамлакатдаги ишлар учун маънавий жавобгар эканлиги тўғрисидаги ўринли ва ўринсиз танқиддан кейинги карахтликни суст бартараф этмоқда. Бир қанча бошланғич партия ташкилотларидаги аҳвол хавотирлик уйғотмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларининг мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг меҳнат жамоаларидаги таъсирини кучайтириш учун баҳамжиҳат ҳаракат қилиш тўғрисида маъмурият ва меҳнат жамоалари кенгашлари билан шартномалар тузаётган, иқтисодий ўқувни ва сиёсий муҳокамаларни ташкил этишни, бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олаётган, меҳнаткашларнинг манфаатларини фаол ҳимоя қилаётган партия комитетларининг тажрибасини кенг қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Сўнгра нотиқ КПСС сафларининг таркиби, уларнинг сони, коммунистлар билан олиб борилаётган ишлардаги камчиликлар тўғрисидаги масалага тўхталди. Барча партия ташкилотларида КПСС аъзолари билан яккама-якка суҳбатлашиш тавсия этилди. Бундан мақсад — уларда партиянинг имкониятларига ишончни мустаҳкамлаш, долзарб масалалар юзасидан коммунистларнинг фикрини аниқлаш, шунингдек, партиядаги кучлар аниқ жойлаштирилишини билишдан иборат. Суҳбатлар якунлари ўмумлаштирилиб, партия сафларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга оид зарур қарорлар қабул қилиш мумкин. Комсомоллар ва ёшларни партияга қабул қилиш соҳасидаги ишларни ҳам кучайтириш талаб этилади. Ишонтириш кучи орқали ёшларга доир фаол сиёсатни амалга ошириш билан уларга таъсир ўтказиш керак. Шундай қилинганда КПСС сафларига ёшларнинг кириб келиши табиий жараён натижаси бўлади.

Кун тартибида ҳокимият тўғрисидаги масала ғоят ўткир бўлиб турган ҳозирги пайтда, деди В. А. Ивашко, КПССнинг Советлардаги мавқеини мустаҳкамлаш зарур. Энг аввало, барча даражалардаги Советларда коммунист-депутатларни жипслаштириш ва уларнинг ҳаракат бирлигига эришиш керак. Бунинг учун коммунистлар гуруҳлари (фракциялари)ни ташкил этишни фаоллаштириш лозим. Фракцияларнинг раҳбарлари вазифасига партия комитетларининг депутат этиб сайланган котибларини тавсия этиш мумкин бўлур эди. Улар учун бу ғоят муҳим иш бўлиши керак.

Советларда партия таъсирини кучайтириш мақсадида коммунистлар учунгина эмас, шу билан бирга амалий ишларда КПСС билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган кишилар учун очилган депутатлар клубларидан кенг фойдаланиш лозим.

Партия ташкилотларининг ёрдамида ёки бевосита КПСС рўйхати асосида депутат қилиб сайланган КПСС аъзоси ўз партияси олдида ҳар қандай вазифадан ўзини озод деб ҳисоблайдиган ва ҳатто партиянинг сиёсатига қарши чиқишига тоқат қилиб бўлмаслигини ҳам айтиш керак.

Кейинги вақтда партиянинг ғоявий, тарбиявий вазифаси жиддий сусайганлиги маърузада таъкидлаб ўтилди.

Биз ўн йиллар давомида ижтимоий турмушда ҳукмронлик қилиш имконини берган барча имтиёзлардан қийинчилик билан халос бўлаяпм

• Инсонийлик—эзгулик •

АЁЛЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Мен онанзоримдан эрта ажралганман, меҳрга тўймай, доғда қолганман. Меҳрибон онажонимга қилолмаган хизматни опа-сингилларим, жигаргўшаларимдек қадрдон бўлиб қолган қишлоғимиз аёлларига қилгим келади, уларнинг туриш-турмуши ҳақида кўп ўйлайман..

КУНЛАРДАН бир кун ҳамқишлоғим Раҳбархон опа билан суҳбатлашиб қолдим. У қирқ йилдирки, қишлоғимиз шон-шарафи учун курашиб келади. Камтар, камсуқум, масалага холис қарайдиган, заҳматкаш аёл. Гап орсида ундан қайси шаҳарларни кўргани, қаерларда саёҳатда бўлганини сўрадим.

— Наманган шаҳрини кўрганман, холос, — деди у жилмайиб.

Наманган қишлоғимиздан атиги ўн саккиз чақирим нарида. Опанинг жавобига ажабланмадим. Бу, табиий ҳол. Қишлоқ аёлларининг аксарияти пахта даласи, чорва фермасидан бошқа ҳеч қаерни кўрмаган, саёҳатда бўлмаган, бирор санаторийга бориб ҳордиқ чиқармаган, десам муболаға бўлмайди. Бунда биз, раҳбарларнинг ҳам айбимиз борлигини тан олишимиз керак. Сабаб: биз улардан фақат иш талаб қилишга одатланганмиз. Улардан «ҳолинг қалай» деб сўрамаймиз. Аёлларимиз ҳам бундай лоқайдликка, эътиборсизликка қўникиб кетишган. Бола-чақа, тўй-маъракаларим литр сут, турли доридармонлар сотиб олишлари учун пул бериб турибмиз.

Жамоа хўжалиги бошқаруви, партия ташкилоти, касаба уюшмасининг қўшимча йиғилиши қарорига мувофиқ шу йилнинг январь ойидан бошлаб охирги фарзандларим 18 ёшга етмаган ҳамда жамоа хўжалигида ўн йил ишлаган Қаҳрамон оналарга унинг хўжалигимизда ишлаш, ишламаслигидан қатъи назар, 100 сўм миқдорида ички пенсия белгиланди. 8 нафар фарзандни тарбиялаган, охирги фарзанди 18 ёшга тўлмаган ва хўжаликда ўн йил меҳнат қилган оналарга 50 сўмдан ички пенсия тўлайдиган бўлдик.

Хўжалигимизда оналар жамғармаси ташкил этилди. Унга 10 минг сўм миқдорида пул ажратдик. Бу пул қишлоғимиз ҳудудида истиқомат қилаётган бева аёллар, ҳеч ким йўқ ёлғиз онахонлар ва ночор яшаётган аёлларга ёрдам тариқасида бериб турилади. Оналарга ғамхўрлик — болаларга ғамхўрликдан бошланади. Аммо шу вақтгача болаларнинг ҳаммаси боғча-яслиларга жалб этилган, деб бўлмайди. Бизнинг хўжалигимизда ҳам аҳвол худди шундай. Мавжуд иккита болалар боғчасида 240 нафар бола тарбияланар эди. Ўтган йили хўжалигимизнинг маъмурий биноси болалар боғчасига мослаштирилди. Ҳозир бу ерда 120 нафар ўғил-қиз тарбияланяпти. Шундай қилиб хўжалигимиздаги барча болаларнинг 60 фоизи боғча-яслига жалб этилди. Бу, бизни қониқтирмайди.

Ўз имкониятимизни ҳисоблаб чиқиб бу йил яна иккита болалар боғчаси қуришни режалаштирдик. Ўтган йили болалар боғчаларига 82,5 минг сўмга яқин маблағ сарф қилдик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, боғчалардаги болалар хўжалигимиз ҳисобидан тарбияланади.

МАКТАБ ўқувчиларига ҳам қатор имтиёзлар яратганмиз. Бошланғич синф ўқувчиларига давлат томонидан берилаётган маблағга ҳар бир ўқувчи ҳисобига яна 5 тийиндан қўшиб беряпмиз. Аъло баҳоларга ўқиётган 6, 7, 8-синф ўқувчилари учун 5—10 сўмдан, «4» ва «5» баҳо билан ўқиётган 9, 10, 11-синф ўқувчиларига 10 сўмдан. Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга ўқиётган йигит ва қизларга эса 20 сўмдан стипендия беряпмиз. Бундан ташқари оилавий аҳволини ҳисобга олиб, айрим мактаб ўқувчиларини кийим-кечак билан таъминлаш учун хўжалик ҳисобидан 3 минг сўм миқдорида пул ажратилди.

Биз шу вақтгача ишлашни билдигу, яхши яшашга қизиқмадик. Яхши ишлаган киши яхши яшаши керак. Лекин биз машаққатли меҳнат эвазига топилган пулдан маъракалар ўтказишга, фойдаланишга зўр бердик. Меҳнаткашларнинг турмуш маданияти эса пастлигича қолаверди. Одамлар орасида меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар сусайди. Биз ана шу хатоларни тузатиш йўлидан боряпмиз.

Ўтган йили хўжалигимиз ҳаммаси бўлиб 3 миллион 608 минг сўм пул даромади олди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 317 минг 600 сўм кўп. Шу даромад ҳисобидан йил давомида маданий-маиший ишларга 158 минг сўм, мукофотларга 47 минг сўм сарфланди.

Хўжалигимизда махсус комиссия тузилган. Шу комиссия хулосасига кўра, оилавий аҳволи ночор, моддий таъминоти яхши бўлмаган, боқувчиси йўқ кишиларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиб келяпмиз. Масалан, меҳнат ветерани Турсуной Ҳамдамовага уй қуришда ёрдамлашилди. Абдуғаффор Абдуллаевнинг уйи эса ремонт қилиб берилди.

Хўжалигимиз раҳбарияти Ўрмонбек қишлоқ Шўроси билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ташкилий-тарбиявий ишларни амалга оширяпти. Жумладан, хўжалик ҳудудида жойлашган учта маҳалла қўмитаси ва уларда фаолият кўрсатаётган 5 нафар дастурхончига ўтган йилнинг февраль ойидан бошлаб маош тайинланди. Ҳозир маҳалла қўмитаси раиси 100 сўмдан, дастурхончилар эса 80 сўмдан маош олишяпти. Бунинг эвазига аҳоли барча қатламлари ўртасида иш олиб бориш яхшиланди.

Мен бу гапларни мақтаниш ёки обрўимни ошириш учун ёзаётганим йўқ. Фақат хўжалигимизда амалга оширилаётган ишларнинг сарҳисоби сифатида, тажрибаларимизни ўртоқлашиш ва бошқалар фикрини билиш ниятида шу мулоҳазаларни қоғозга туширдим. Шу долзарб масала хусусида жумҳурият Вазирлар Маҳкамасида ҳам ҳисоб бердим.

Энди ҳамма гап биз, раҳбар ходимлар халқ олдида, айниқса, меҳнаткаш, мунис оналаримиз, опа-сингилларимиз, фарзандларимиз олдидаги, уларнинг ҳаёт тарзини, турмуш маданиятини ошириш борасидаги масъулиятни англашимизда қолди. Уйимизнинг саранжом-саришталиги, бағримиз бутлиги, хўжалигимиз муваффақияти, ҳамма-ҳаммаси шунга боғлиқ.

Саидаҳмад СУЛТОНОВ,
Андижон вилояти Балиқчи ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

• Акс-садо

НИҚОБНИНГ ЙИРТИЛИШИ

Бахоутдин Нақшбандий жоме масчидининг қавмлари жума куни «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 30 январь сонида босилган «Ислом партиясини тузиш кимга ва нима учун керак бўлиб қолди?» мақоласини муҳокама қилишди.

— Жамоа, — дейди биз билан суҳбатда мачит имом-хатиби Ҳожи Мухтор Абдуллаев, — бирдамликка, зид хатти-ҳаракатларни қоралади. Ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Исломни ҳам сиёсатбозлик майдонига, ҳокимият учун кураш воситасига айлантириш не даркор? Вахолонки, Бахоутдин Нақшбандий ҳазратлари мўмин мусулмонларга «ҳар доим қўлинг меҳнатда, кўнглинг эса Оллоҳда бўлсин» деб васият қилганлар...

У имом хатиблик қилаётган масчит мусулмон дунёсига маълум ва машҳур бўлган Бахоутдин мақбараси қошида жойлашган. Мана икки йил бўляптики, мақбара эшиклари зиёратчилар учун очиқдир.

Мақбара ва унинг атрофидаги обидалар кейинги йиллар мобайнида давлат маблағлари эвазига сифатли таъмир этилди. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. Зиёратчилардан тушган хайру-эҳсон ҳисобига ажойиб меҳмонхона, бошқа зарур бинолар барпо этилмоқда. Уларни безатишда Ўзбекистон бадиий фондининг моҳир усталари қатнашяптилар.

Чунки СССР Олий Кенгаши «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилгандан кейин мамлакатимиз ва чет эллардан муқаддас мақбарани зиёрат қилиш учун келаётган мусулмонлар сони тобора ошиб бормоқда. Ҳар куни бу ерга 200-300 зиёратчи қадам ранжида қилади.

— Бухоролик дин аҳли, — деди пировардида Ҳожи Мухтор Абдуллаев, — давлатимизнинг ғамхўрликларидан миннатдор. Улар Исломга эътиқод ниқоби остида амалдаги тузумга қарши ҳар қандай ҳаракатларнинг пайини қирқишади.

Бундай ҳаракатлар бўлаётганини эса улар фақат рўзнома саҳифасида босилган бу мақоладангина билишгани йўқ. Кейинги ойларда бухоролик диндорлар номига Москвадан мактублар келмоқда.

Биз уларнинг бири билан танишишга муваффақ бўлдик. Унда мамлакат барча мусулмонлари бирлашишга ҳамда ғайридинларга қарши «ғазовот» эълон қилишга даъват этилган эди. Биз конвертдаги адресга разм солиб, унинг Москвадаги «Большая полянка» кўчасидан юборилганини аниқладик. Айтишларича пойтахтнинг Октябрь ноҳиясида рўйхатга олинган «Ислом партияси» мана шу ерда жойлашган экан. Унинг вакиллари бошқа халқлар қатори мана шу мусулмонлар қони тўкилиб ўрнатилган Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш, учинчи жаҳон урушини бошлашга даъват этишмоқда. Мусулмонлар ҳеч қачон бундай ҳалокатли йўлга қадам босишмайди. Биз бунга шак-шубҳа қилмаймиз.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУҚАДДАС БУРЧ

Мамлакатимизда юз бераётган турли воқеалар, сиёсий танглик пайтида ватан ҳимоячилари ўзлари ҳимояга муҳтож бўлиб қолгани сир эмас.

Шунинг учун мамлакатимизнинг турли минтақаларида хизмат қилаётган ҳамюртларимиздан хабар олиш нафақат ота-оналар, бутун Ўзбекистон ҳукуматининг олдидаги долзарб масаладир. Ана шу мақсадда ўтган ҳафтада Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси аъзоси, ЎзССР халқ депутати, республика соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Б. Йўлдошев бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбекистонликлар Ригадаги ҳарбий қисмларда бўлиб қайтдилар.

Депутат ва унинг юмушлари

Ташриф пайтида улар Қизил Байроқли Болтиқбўйи ҳарбий округи қўмондони генерал-полковник Ф. Кузьмин бошчилигидаги ҳарбий кенгаш аъзолари билан учрашдилар.

Учрашувда ҳамюртларимиз учун яратилган шароитлар ҳақида суҳбатлашилди. Айрим масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Б. Йўлдошев биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди.

— Ҳамюртларимиз хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар ҳақиқатан Риганинг баҳаво ерларида жойлашган. Улар учун берилаётган овқатлар сифати, яшаш шароитлари яхши. Ўзимиз бунинг гувоҳи бўлдик.

Бироқ уларнинг хат-хабарлари уйларига муддатида етиб келмаяпти. Бунинг сабаби Латвиядаги янги ҳукуматнинг алоқа хизмати ходимларининг айбидир. Ҳамюртларимиз хат-хабарларини ўз вақтида етказишни таъминлаш юзасидан Иттифоқ ҳукуматига ҳужжат тайёрладик.

Сафар пайтида Бухоро вилояти Шофиркон ноҳияси аҳолисидан Президентимиз номига тушган шикоят хати юзасидан ҳам текширув ўтказдик.

Ўзбекистонлик вакиллар ва ҳарбий округ раҳбарияти Болтиқбўйи республикаларида юзага келган ижтимоий-сиёсий аҳволни муҳокама қилдилар. Аскарларни ҳарбий ватанпарварлик, байналмилал руҳда тарбиялаш, оталиқ алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олинди.

Ҳа, ҳар қандай жамиятда Ватан ҳимояси муқаддас бурч, ундан бўйин товлаш эса жиноятдир.

А. ЭРГАШЕВ.

* * *

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ депутати Б. Йўлдошев, Бухоро вилояти Шофиркон ноҳияси ижроия қўмитаси раисининг муовини Қ. Аҳмедов ва шу ноҳия Жўраобод қишлоқ кенгашининг раиси Б. Ҳамраевлар ҳамюрт аскарлар орасида.

Н-ҚИСМДАН ХАТЛАР

АҲИЛ ОИЛАДЕК

Бўлинмада сизнинг юртдошингиз Нозимжон Ёрқулов бир йилдан буён хизмат қиляпти. У ўзининг сиёсий етуклиги, ҳарбий уставни аъло билиши, кундалик ишида унга доимо амал қилиши билан бошқаларга ўрнак бўляпти. Бригада бошлиғи сифатида ҳам кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Туркман, рус, озарбайжон, украин ўғлонлари худди бир оила фарзандларидек аҳил ва тотув яшашмоқда.

Нозимжон Ёрқуловнинг сиёсий ва жанговар тайёргарликда эришган ютуқлари қўмондонлик томонидан муносиб баҳоланмоқда. Унинг ҳисобида қисм қўмондонлиги эълон қилган 10 дан ортиқ ташаккурнома бор.

К. МАСЛОКОВ.

●

ОҚ ЙЎЛ, УЛУҒБЕК!

Армия сафига Хонқа районидан келган Улуғбек Худойқулиев ҳарбий билим ва техникани сабот ва чидам билан ўрганяпти. Уни бўлим командири қилиб тайинлашган ва бу вазифани у муваффақиятли бажармоқда.

Қисм командирлиги меҳнатсевар бу йигитга бир неча бор ташаккурнома эълон қилди. Хизмат бурчини бажаришда, бўлимнинг жанговар ва сиёсий тайёрлиги ҳамда ҳарбий интизомда эришган ютуқлари учун У. Худойқулиевга уйига бориб келишга қисқа муддатли таътил берилди.

Ўз фарзандларини меҳнатсевар, ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаганликлари учун Қулжон Худойқулиев ва Бибижон Ражабовага ҳарбий қисм жамоаси номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Я. ЯГОВКИН.

«Фотоконкурс—91»

Спектакль тараддуди. • В. ДУБРОВСКИЙ олган сурат.

СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

МЕТАЛЛ ТАНГАЛАРДАГИ ҚЎШИМЧА БЕЛГИ

1991 йилдан бошлаб янгидан тайёрланаётган 1, 2, 3, 5, 10, 15, 20, 50 тийинлик ва 1 сўмлик металл тангаларнинг (хотира ва юбилей тангаларидан ташқари) ўнг томонида паст қисмининг ўнгида бу тангаларни тайёрлайдиган завод Ленинград танга зарбхонаси ёки Москва танга зарбхонаси номининг дастлабки «Л» ёки «М» ҳарфлари бўлади.

Мазкур тангалар ҳозирги вақтда муомаладаги тангалар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, айрим шахслар томонидан тўловларнинг барча турларида қабул қилиниши, шунингдек, банк муассасалари ва Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан жорий ва ҳисоб-китоб варақаларига ўтказиш учун, омонатлар учун, пул ўтказиш аккредитлари учун ҳеч қандай чеклашсиз қабул қилиниши шарт.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА: МУҲИМ БОСҚИЧ

● Шаҳрисабзда югуриш ва юриш бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Жамоа ҳисобида биринчи гуруҳ бўйича Тошкент вилояти, иккинчи гуруҳга киритилганлар орасида Сирдарё вилояти спортчилари мукофотли ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда эса тошкентлик Ботир Мўминов 12 километрга югуриб, 42,17 минутли натижа билан маррада биринчи бўлди. Усмирлардан яйпанлик Улуғбек Мамадалиев шу масофада 42,14 минутли натижа кўрсатди. Олмаликлик Игорь Гурин 5 километрли масофани 12,42 минутда босиб ўтди. Тошкентлик Эдуард Табаков 8 километрли масофада маҳорат кўрсатди. Мусобақа шу ойда бошланадиган СССР биринчилиги ҳамда март ойи ўрталарига мўлжалланган «Совет Ўзбекистони» соврини учун баҳсга тайёргарлик босқичларидан ҳисобланди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● «Пахтакор» футболчилари Малайзия сафаридан қайтишди. Улар учта ўртоқлик учрашувида иштирок этдилар. Пахтакорчиларнинг майдон эгалари билан ўтказган дастлабки учрашуви 1:2 ҳисобида якунланди. Иккинчи ўйин Чехословакиянинг «Спорти» командаси билан ўтказилиб, бу сафар вакилларимиз худди шу ҳисобда ғалаба қозонишди. Германиянинг «Берлин» командаси билан учинчи учрашувда эса 2:2 ҳисоби қайд этилди.

● Фарғонада «Нефтяник» спорт клубининг соврини учун анъанавий мавсумолди мусобақаси бошланди. Олий лига вакили — Помир футболчилари «Геолог» (3:2) ва «Уралмаш» (1:1) командалари билан учрашдилар. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Геолог» —«Уралмаш» — 0:1, «Даугава» — «Нефтяник»—1:4, «Автомобилист»—«Помир» —1:5, «Геолог» — «Даугава» — 5:1, «Автомобилист»—«Нефтяник» — 2:2.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг
ТОШКЕНТ ИЧКИ ҚУШИНЛАР ОЛИЙ ҲАРБИЙ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
кафедралар бўйича
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: умумилмий фанлар, техникавий механика ва қурилиш материаллари;

доцентлар: умумилмий ва умуммуҳандислик фанлари, техникавий механика ва қурилиш материаллари;

катта ўқитувчилар: физика ва математика (2), чизма ҳандаса, қурилиш механикаси, назарий механика, элементлар ва қурилиш материаллари, гидравлика асослари, сув таъминоти ва канализация, иссиқлик-газ таъминоти, иқтисод ва молия (эркак киши), саноат ва фуқаро қурилиши (эркак киши), электрон-ҳисоблаш техникаси (эркак киши);

ўқитувчилар: физика ва математика, металл конструкциялар, темир-бетон ва тош конструкциялар, асослар ва пойдеворлар, материаллар қаршилиги, иқтисод ва молия, (эркак киши), саноат ва фуқаро қурилиши (эркак киши), электрон-ҳисоблаш техникаси (эркак киши).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 4 ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700211, Тошкент шаҳри, «Янги ТошМИ» бекати. Телефонлар: 46-74-01, 46-65-30, 46-84-71, 46-74-41.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗЛАР!

«ТУРОН» ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

6, 7, 8, 9, 10 МАРТ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА

ХАЛҚ СЕВГАН ҚУШИҚЧИ
Рустам ҒОЙИПОВ
БОШЧИЛИГИДАГИ
«НУР» ГУРУҲИ ИШТИРОКИДА

«ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ»

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КОНЦЕРТДА:
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ АРТИСТИ
Малика АҲМЕДОВА

Сўз устаси ва киноактёр МИРЗА ХОЛМЕДОВ қатнашадилар.

Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги жамоаси халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари жумҳурият илмий-методик маркази раҳбари Д. Х. Ҳусановга акаси

Солижон ҲУСАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли Ер тузиш ва ердан фойдаланиш бош бошқармаси шу бошқарма бошлиғи Ғ. Талиповга акаси

Наби АКБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент политехника олий билимгоҳи жамоалари собиқ ўқитувчи

Альфред Альфредович ПАРНИЦКИЙнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БУЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 4720.

№ 27. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12